



Received: July 8, 2021
Accepted: August 20, 2021
Available online: September 25, 2021

Ихтиёр Базаров

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
мустақил изланувчиси
Тошкент, Ўзбекистон

Ikhtiyor Bazarov

Independent researcher, Uzbekistan State World
Languages University
Tashkent, Uzbekistan
E-mail: rbozorov@gmail.com

ЛИНГВОДИДАКТИКАГА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТУЗИЛИШИГА КЎРА ТАСНИФИ

CLASSIFICATION OF LANGUAGE DIDACTIC TERMS IN LINE WITH THEIR LEXICO-SEMANTIC STRUCTURE

АННОТАЦИЯ

ANNOTATION

Мақолада лингводидактикага оид терминологик бирликларнинг лексик-семантик тузилиши ҳамда уларнинг полисемантик хусусиятлари лингвистик ёндашувлар асосида ўрганилган. Мазкур соҳага мансуб терминологик бирликларнинг асосий семантик хусусиятлари лингвистик таҳлил методи ёрдамида тадқиқ этилган. Тасниф принциплари эса қуйидагича белгилаб олинган: 1) лексик-семантик усул асосида ҳосил бўлган терминлар; 2) кўпмаъноли (полисемантик) терминлар; 3) термин-синонимлар; 4) термин-антонимлар.

The article deals with the characterization of terminological units from the aspects of lexico-semantic structures which are specific for all their semantic features due to the means of linguistic approaches. The main semantic properties of terminological units of language didactics can be studied using linguistic analysis. The criteria could be defined as following: 1) terms which are formed by lexico-semantic ways; 2) polysemantic terms; 3) terms – synonyms; 4) terms – antonyms.

Соҳа терминларининг контекстга оид маъно жиҳатлари ва семантик ўзгаришлар уларнинг полисемантик хусусиятлари таҳлилига кўра аниқланди. Лингводидактика терминологиясининг шаклланиш ва тадрижий ривожланиш босқичлари тил тараққиётининг тарихий тадрижийлик нуқтаи назаридан инглиз, рус ва ўзбек тиллари материаллари асосида таҳлил этилди. Терминология амалиёти тажрибасидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш жоизки, лингводидактика соҳасига оид терминологик бирликлар ифодаладиган тушунчалар миллий-маданий қарашлари турлича бўлган мазкур соҳа мутахассислари томонидан ўзаро муштарақликда воқе бўлмаслиги ва турлича талқин этилиши мумкинлиги ҳам аниқланди.

Semantic changes in the formation of terms owing to their polysemantic features and relationships of meanings may be found through the context. The main processes of formation and dynamic development of the terminological system of this science have been investigated thanks to materials of the English, Russian and Uzbek languages. However, it is important to define the role of a national context in the development of the terminology system of language didactics undertaking cross-cultural analysis, existing problems of comparative study of terminology, and searching relevant terms in the Russian and Uzbek languages.

Терминнинг семантик жиҳатдан такомиллашуви унинг асосий тушунчани ўзида мужассам

Semantic development of a term improves general meaning belonging to a term and changes according to its forms. However, functioning sphere of a term connects constantly developing scientific opinions for improving notions in the field of linguistics.

There are a number of absolute synonyms among terms, given that it is possible to remove

этганлигида ҳамда ифодадаги ўзгаришларда намоён бўлади. Шундай бўлсада, терминнинг доимий истеъмолда бўлиши ушбу фан соҳасига тегишли илмий тушунчаларнинг янгиланиб туришига ва мукамаллашиб боришига хизмат қилади. Мазкур соҳа терминлари орасида бир қатор абсолют синонимлар мавжуд ва улар термин танлаш жараёнида ўзларига дублёр бўлган терминологик бирликларни сиқиб чиқариши мумкин. Баъзан семантик дифференциация воситасида дублёр терминлардан янги пайдо бўлган соҳавий тушунчаларни номлашда фойдаланишга ҳам тўғри келади.

Синонимик микросистемалар алоҳида кичик бир тизим сифатида ўзга тизимга хос микросистема терминларини бошқаси билан қоришиб кетишига қарши жараён. Аксинча, ўзга бир ҳолатдаги микросистема эса махсус лексикани барча тарихий кесимларида детерминлашишига олиб келади. Баъзи ҳолатларда бир терминнинг лексик-семантик вариантлари интеграллашган кичик тизим тарзида қоришиб кетиши натижасида ўз компонентларидаги ўхшаш белгиларни бирлаштириб ягона полисемантик лексикага айланади.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади – лингводидактик терминологик бирликларнинг шаклланишидаги асосий омиллар, терминлар манбаи, терминларнинг яратилишидаги ички ва ташқи имкониятлар, турли ижтимоий-маданий контекстларда соҳа терминларининг қўлланилиши ва интерференция ҳодисасини терминологик бирликлар мисолида қиёсий таҳлил этишдан иборат.

Калит сўзлар: терминларнинг лексик-семантик структураси, полисемия, полисемантик терминлар, термин-синонимлар, термин-антонимлар, термин-омонимлар, лингводидактика, термин ясалиши, маъно кўчириш, терминлар таснифи.

КИРИШ

Ҳозирги кунда қиёсланаётган тиллар лексикасининг тез ўзгарувчан ва фаол қатламини лингводидактика соҳасига оид терминологик бирликлар ташкил этади. Мазкур соҳа терминология тизимининг таркиби мунтазам равишда янги терминлар пайдо бўлиши, уларнинг истеъмолга киритилиши ва ўзлашма терминлар ҳисобига ўзгариши ва янгиланиш жараёнларига юз тутмоқда.

doubling in the subsystem or using semantic differentiation for the nomination of new conceptions. Differentiation of synonymic micro-system as opposite process of fusing a separate terminological micro-system, so another micro-system serves for determining a developing special vocabulary in all its historical sections. As a result of it there occurs the fusion of lexico-semantic variants of a single term, introduced in the integrating subsystem, but another subsystem which combines all similarity features of components of the lexical unit, transfers into poly-semantic lexical unit.

The aim of the research is to improve the necessity of defining the main factors and sources of the formation and dynamic development of terminological units of this science and their usage in different socio-cultural contexts, including specific features and differences in the expansion of terms of the language didactics according to corresponding culture.

Key words: lexico-semantic structures of terms, polysemy, polysemantic terms, terms-synonyms, terms-antonyms, terms-homonyms, language didactics, formation of terms, shift of meaning, classification of terms.

Шу боис лингводидактика терминологиясининг лингвистик ва ижтимоий-маданий хусусиятлари талқини муаммоларини илмий жиҳатдан ўрганишга оид тадқиқотлар олиб бориш тилшунос ва атамашунос олимларнинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Лингводидактикага оид атамаларнинг лексик-семантик структурасига кўра тасниф қилинганда, уларга хос барча семантик хусусиятлар лингвистик нуқтаи назардан ўрганилади. Тасниф принциплари эса: 1) *лексик-семантик усул асосида ҳосил бўлган терминлар*; 2) *кўп маъноли (полисемантик) терминлар*; 3) *термин-синонимлар*; 4) *термин-антонимлар* тарзида белгилаб олиниши мақсадга мувофиқдир.

Лингводидактика терминологиясида умумистеъмолдаги сўзлардан лексик-семантик усул билан ясалган терминлар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бундай терминлар умумистеъмол сўзларидан шаклан фарқ қилмайди, айти пайтда уларнинг ҳам мазкур соҳа терминлари сифатида қўлланилиши анъанага айланган. Ушбу терминлар семантик структурасини ўрганиш орқали уларнинг умумистеъмол сўзлардан фарқли хусусиятларини тўлиқроқ англаш мумкин. Бундай хусусиятлар умумистеъмолдаги лексика билан терминологик лексиканинг ўзаро узвий алоқасида кўринади. Айнан ушбу алоқада умумистеъмол лексиканинг терминология тизимидаги терминлашув жараёни кузатилади. Аслида, умумистеъмолдаги сўзларнинг муайян соҳада термин функциясини бажариши туфайли уларда вазифа семасининг кенгайиши содир бўлади. Демак, ушбу жараёнда термин функциясини бажарувчи сўзлар умумистеъмолдаги сўз англатган маънодан муайян жиҳати билан фарқланиб, ҳар бир тилнинг терминология тизимини бойишига самарали таъсир кўрсатади.

Терминологик лексиканинг бойиши адабий тил қонуниятлари асосида рўёбга чиқади. Айниқса, лексик-семантик усул билан термин ясалиши маълум маънода умумистеъмолдаги лексика ҳисобига тўғри келади. Ушбу қарашларимизни рус тилшуноси В.Виноградовнинг: “Ҳар қандай фан халқ тафаккури ва нутқи эришган натижалардан бошланади, кейинги ривожланиш жараёнида ҳам халқ тилидан ажрамайди” [Виноградов В.В., 1977; 165], – деган фикрлари билан асослаш мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Тадқиқотимизда умумистеъмолдаги сўзлардан лексик-семантик усул билан ясалган лингводидактик атамаларнинг маъно структурасини лингвистик нуқтаи назардан таҳлил қилиш жараёнида баъзи баҳсталаб фикрларга дуч келамиз. Жумладан, умумистеъмол сўзларидан ясалган мазкур соҳа терминлари ҳам кўпмаънолилиқ (полисемия), маънодошлиқ (синоним), қарама-қарши маънога эга бўлиш (антоним) каби хусусиятларга эга бўладими ёки йўқ, деган савол пайдо бўлади. Ҳозирги кунга қадар олиб борилган тадқиқотлар таҳлилидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, атамашуносликдаги “ҳар қандай термин бир маънони англатиши керак” деган қараш, назаримизда, нисбий характер касб этади. Аввало, ҳар бир сўз пайдо бўлишига кўра, моносемантик (бирмаъноли) бўлади.

Тадрижий тараққиёт жараёнида тилда аввалдан мавжуд бўлган – бирор предметнинг номини ифодалаган лексик бирликдан янги пайдо бўлган предмет ёки ҳодисани номлашда фойдаланиш анъанаси мавжуд. Пировардида, ушбу ном бошқа бир предметнинг номини аташ вазифасини ҳам бажараверади. Шу тариқа иккинчи номинация (номлаш) пайдо бўлади. Хусусан, бу ҳолат тадқиқотимиз жараёнида сўз-номнинг термин-номга кўчишида яққол кўринади. Сўзнинг лексик маъноси эса ном кўчириш орқали ривожланиб боради. Бунда термин сифатида қўлланиладиган сўзга функционал (вазифа) маъно юкланади. Бу ҳодиса тилшуносликда функционал кўчириш деб ҳам аталади. Шундай қилиб, функционал кўчириш ўхшашлик асосида бўлганлиги боис метафора йўли билан кўчириш, яъни бунда икки нарса ўртасидаги айрим тасодифий белгилар ва бу белгиларнинг ўхшашлили асос қилиб олинса, функционал кўчиришда вазифа жиҳатидан ўхшашлик асос қилиб олинади. Ушбу ҳодисани қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин: *jigsaw activities – упражнения, нацеливающие учащихся на обмен информацией по типу “мозаики” – аралаш-қуралаш, қўрама (мозаика) шаклидаги талабалар ахборот алмашинувига оид машқ тури*. Бу турдаги машқларнинг барча вариантларида муайян ахборотнинг турли даражада қисқартирилган шакллари талабаларга ҳавола этилади. Бунда талбалардан бирига ахборотнинг тўлиқ матни, бошқаларига эса ушбу матннинг фрагментлари (сўзлар ёки сўз бирикмалари рўйхати, саволлар мажмуи, айрим фикр-мулоҳазалар) тавсия этилади. Шунга кўра, талабалар қуйидаги топшириқни бажаришга киришадилар. Мазкур матннинг турли фрагментларига таянган ҳолда баъзи етишмайдиган маълумотларни талабалар ахборотнинг тўлиқ матн шаклига эга бўлган талабадан сўраб оладилар ва шу асосда матн билан боғлиқ аналогия яратишга киришилади.

Хорижий тилларни ўргатишда *бумеранг* методидан ҳам кенг фойдаланилади. Аслида, ушбу “*бумеранг*” сўзи “*ўроқсимон отиш қуроли*”нинг номини англатади. Ушбу отиш қуролидан Австралия қитъаси аборигенлари, яъни туб аҳолиси ҳимоя воситаси сифатида фойдаланадилар; *jumbling – a confused mixture or heap; a muddle – упражнения намеренно на нарушение порядок расположения или классификация речевых единиц – нутқ бирликларининг жойлашув тартиби ёки таснифини атайин чалкаштиришга ундовчи машқларнинг тури* ва ҳақозо.

Полисемия ҳодисаси мазкур соҳа терминларига ҳам хос эканлиги аниқланди. Бир лексик маъно асосида иккинчи бир лексик маънонинг пайдо бўлиши лексик полисемия ёхуд омонимия ҳодисасининг юзага келишига олиб келади. Шунга кўра, лексик полисемияда маънонинг миқдори ўзгариши мумкин. Полисемантик лексемада маъно тараққиётини семик таҳлил усули билан ўрганиш бу жараёни янада равшанроқ тасаввур қилиш имконини беради. Бундай ёндашувни *key – ключ – калит* лексемаси мисолида кўрамиз. Инглиз тилида: *key* лексемасининг бош лексик маъноси қуйидагича: *an instrument, usually of metal, for moving the bolt of a lock and thus locking or unlocking something*; рус тилида: *ключ – металлическое орудие для запирания и отпирания*; ўзбек тилида: *калит – қулфни очиш ёки беркитиш учун ишлатиладиган металл*

асбоб деб таърифланади. Бу лексеманинг иккинчи лексик маъноси *тест топшириқларининг тўғри жавоблари рўйхати* каби боғланишларда ушбу соҳага оид терминологик маънони эгаллаш орқали намоён бўлади. Бунда “предмет” тушунчаси сақланаса-да, аммо “аниқ нарса” тушунчаси “мавҳум нарса” тушунчасига алмашади. Демак, лексик маъно аниқликдан мавҳумликка томон силжийди. Натижада “металл асбоб” семаси ўрнини “тест топшириқларининг энг тўғри жавобларини акс эттирувчи жадвал” семаси олади. Шундай қилиб, инглиз тилидаги *key* (калит) лексемаси ўзига хос терминологик маъно англатиши боис, унга тааллуқли бўлган бошқа ўндан зиёд лексик маънодан кескин фарқ қилади. Ушбу лингводидактика соҳасига оид терминологик лексема инглиз атамашунослари Ж.Ричардс ва Р.Шмидт томонидан ҳаммуаллифликда яратилган махсус луғатда [Richards J.C., Schmidt R., 2002; 307] шундай таърифланади: *key n.3) (in testing) a correct option or answer in a multiple – choice item*. Аслида, тадқиқотимиздаги инглизча *key* – лексемасининг русча *ключ* ва ўзбекча *калит* каби муқобиллари семантик калька усули билан ҳосил қилган лексемалар ҳисобланади. Шу тариқа калит лексемаси асосида *key words* – *ключевые слова* – *калит сўзлар* каби бирикма терминлари ҳам вужудга келлиб, истеъмолга киритилди. Улар асосан муайян мавзулар бўйича мазкур фан соҳасига доир таянч тушунчаларни англатишга хизмат қилади.

Семантик калькада янги лексик маъно юзага келади, лекин бу лингвистик ҳодиса сифатида лексик маъно таракқиётининг анъанавий кўчириш усулларида фарқ қилади. Шу боисдан ҳам бу жараёни алоҳида ҳодиса сифатида қаралиши бежиз эмас. Кўринадики, лексик маънолар бош ва ҳосила маъно, тўғри ва кўчма маъно, номинатив (атов) ва мажозий маъно сифатида турли аспектларда тадқиқ ва тасниф этилади. Бундай таснифлар айнан бир ҳодисага турлича ёндашишни кўрсатади. Демак, айнан терминологик маънолар ҳам полисемантик лексемалар асосида вужудга келади. Терминлардаги полисемия ҳодисаси тилшунос олим С.Усмонов томонидан қуйидагича таърифланади: “Терминлардаги полисемантизм бўлиб кўринган нарса, аслида, улардаги моносемантик хусусиятларнинг оддий йиғиндисидан иборат. Чунки ҳар бир соҳада термин фақат муайян чегарага эга бўлган тушунчанигина англатади, унинг бошқа соҳадаги бошқа маъноси мутлақо кўзда тутилмайди. Масалан, тилшунос *агглютинация* терминини қўллар экан, унинг медицина соҳасида икки хил қоннинг қўшилиб, ёпишиб чўкишини мутлақо эсига келтирмайди. Демак, бир термин ҳар хил контекстда, ҳар хил мутахассислик соҳасида қўлланилиши туфайлигина турли маъноларни ифодалаши мумкин, агар термин бир контекстда, бир соҳада бир неча маъно англатсагина, унинг полисемантизми ҳақида гапириш мумкин бўлар эди. Ваҳоланки, худди мана шу хусусиятнинг терминларда мавжуд эмаслиги улар учун жуда ҳам характерлидир [Усмонов С., 1968; 32].

Хорижий тилларни ўргатишда янги технологияларнинг жорий этилиши лингвометодикага оид янги терминларни пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бу эса лингводидактика атамалари тизимининг бойиб боришидаги асосий омиллардан биридир. Мана шу экстралингвистик омил ҳамда тил ички қонуниятларининг

амал қилиши боис мазкур соҳанинг атамалари тизимида бир тушунчани турли хил тил бирликлари воситасида ифодалаш анъанага айланиб бораётганлиги сезилмоқда. Пировардида, ушбу соҳа атамалари тизимида синонимиянинг турли кўринишлари намоён бўла бошлади. Тадқиқотимизда терминлардан иборат лексемалар мисолида синонимия ҳодисасини кузатиш мумкин. Терминологик амалиётда лексема ҳолида учрайдиган терминлар ва термин бирикмаларнинг дублетлари, синонимлари, вариантлари ҳамда улар орасидаги ўзаро фарқларни теран англаб олиш бўйича муайян тадқиқотларни амалга ошириш талаб этилади.

Тадқиқотимиз жараёнида синонимия ҳодисаси лингводидактикада қўлланиладиган термин-лексемалар учун ҳам хослиги кузатилди. Лингводидактика соҳасига мансуб ва кенг қўлланиладиган термин-лексемаларнинг синонимларини аниқлашда қуйидаги мезонларга асосландик: 1) соҳа ичида ёхуд соҳалараро учрайдиган синонимлар; 2) синонимик қатордаги термин-лексемаларнинг сони; 3) синонимик қатордаги термин-лексемаларнинг структураси; 4) синонимик қаторларнинг пайдо бўлиш сабаблари; 5) мутлақ синоним ёки нисбатан синоним, дублетлар.

Мазкур соҳага оид ва соҳалараро фаол қўлланиладиган термин-лексемаларнинг синоним (маънодош) вариантлари миқдор жиҳатидан кўпчиликни ташкил этади. Шунингдек, ушбу термин-лексемаларда маънодошлик ва кўпмаънолилиқ каби хусусиятларнинг намоён бўлиши ҳам ойдинлашди. Улардаги ушбу жиҳатлар термин-лексемаларнинг умумистеъмол лексикасига ўхшаш эканлигидан далолат беради. Жумладан, инглиз тилидаги *unit* лексемаси ҳам аслида, умумистеъмолдаги сўз ҳисобланади. Бироқ ушбу сўз термин-лексема сифатида *раздел учебника, урок (рус.), дарсликнинг маълум қисмларга ажралиши, дарс, машғулот (ўзб.)* маъноларида қўлланилади. Одатда, инглиз тили дарсликлари бир неча дарс қисмларидан иборат ва улар *unit* лексемаси воситасида ифодаланади. Шунингдек, *unit* термин-лексемасининг *lesson – урок – дарс* маъноси муайян вақт давомида муайян тил материални ўрганишга мўлжалланган дарс машғулоти тушунчасини англатади. Шундай қилиб, ўзбек тилидаги *дарс, машғулот, сабоқ* ва русча *урок, занятие* лексемалари, инглизча *unit, lesson* термин-лексемаларга нисбатан маънодош (синоним) терминлар қаторини ташкил этади. Мазкур термин-лексемалар структурасига кўра содда (якка сўз) терминлар қаторига киради. Тадқиқотимизда учрайдиган бир қатор термин-лексемалар синоним қаторининг айна бир маъно англатишини маънода тенг келиш деб тушуниш тўғри бўлмайди. Ҳар бир синоним ушбу синонимия қатори учун умумий бўлган маъно ўзанидан ташқари, ўзига хос маъно жиҳатига эга бўлиши мумкин. Масалан, инглиз тилидаги *activity, task, exercise, drill* термин-лексемалари ҳам ўзига хос маъно хусусиятлари билан ажралиб туради. *Activity* – хорижий методикада турли даржадаги мураккаб ва мукаммал нутқий ҳаракат (амал)ларга доир машқнинг номи. Ушбу термин-лексема ўқитиш (ўргатиш, ўрганиш) ва ўқув материални методик жиҳатидан ташкиллаштириш маъносини англатади. XIX асрнинг 80-йиллардан бошлаб хорижий методикада *task* термин-лексемаси – *коммуникативное упражнение, коммуникативное*

задание – нутқий мулоқат машқи – нутқий мулоқатга оид вазифа маъноларида қўлланилмоқда. Бироқ, ҳозирга қадар **task** термин-лексемасининг аниқ луғавий тавсифи борасида хорижлик методистлар аниқ бир тўхтамга келмаган. Уларнинг бу ҳақдаги турли субъектив фикрлари баъзи мунозараларга сабаб бўлмоқда. Кўпгина инглиззабон методистлар томонидан таъкидлаб ўтилганидек, **task** термин-лексемаси англатадиган тушунчага оид референтларнинг **activity** термин-лексемаси ифодайладиган тушунча билан узвий алоқадор эканлиги маълум. Бу ҳақда инглиз методист олими Ж.Ричардс қуйидаги фикрни билдиради: “By **task** I mean a specific **goal** or **activity** that is accomplished through the use of language” [Richards J.C., Schmidt R., 2010; 657]. Муаллифнинг қарашларидан келиб чиқадиган хулоса шуки, **task** – тушунчаси тилни коммуникатив усулда ўргатишга йўналтирилган мулоқат машқларининг турларини англатади. Тилни мукамал эгаллашга қаратилган мақсаднинг амалга оширилишида мулоқат машқларининг роли, уларнинг қўйилган натижаларга эришишдаги асосий восита эканлиги таъкидланади. **Activity** – нутқ фаолиятининг операцион (ҳаркатга оид) аспекти сифатида ўқитувчи иштирокидаги ёки ўқувчилар томонидан мустақил бажариладиган нутқий ҳаракатга доир машқлар мажмуини ташкил этади. Ушбу машқларнинг турлари хорижий методикада қуйидагича номланади: **jumbling** – классификация речевых единиц – нутқ бирликларининг таснифи, **selection** – выбор – танлаш, **matching** – соотношение – ўзаро боғланишдаги машқларни танлаш, **reconstruction** – восстановление – тиклаш, **gap** – **filling** – заполнение – нуқталар ўрнини тўлдириш, **deleting** – удаление – олиб ташлаш каби. Кўриниб турибдики, **activity** термининг терминологик парадигмаси бирмунча ривожланган ва чет тилни ўргатиш таълим шароитида амалий жиҳатдан бажариладиган турли хил нутқий ҳаракатга доир машқлар мажмуини қамраб олган.

Терминологик лексемалар синонимия қаторини белгилашда уларнинг фақат маъно қирраларини ҳисобга олиш тўғри бўлади, деб ҳисоблаймиз. Шу тавсиф асосида синонимик қаторнинг бош терминини доминант деб атаймиз (лот. *dominantis* – ҳукмрон). Демак, бунда маъно қирраси жиҳатидан **activity** термини **task**, **exercise**, **drill** терминларига нисбатан доминант ҳисобланади. Шунингдек, **exercise**, **drill** терминлари эса **activity**, **task** терминларининг қўлланилиши хорижий методикада муайян даражада дискредитацияга учраган. Айни **drill** термининг маъноси (*тернировка* – машқ) ғайришуурий, яъни механик тарзда бажариладиган машқ. Бундай машқлар асосан тил материални тушунишига ва мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлади. Ҳозирда хорижий методикада **task(s)** термини нутқ малакаларини ривожлантиришга қаратилган интеграллашган машқлар тизимини англатади ва уларнинг бажарилишига маълум муддат – вақт сарфланади. Ушбу **task** термини *установка* (*шайлик* – *мойиллик* / *ўрганиладиган объект* – *тил материали* / *нутққа ўқувчининг шайлиги*), *учебная задача* – *таълимий мақсад* учун мўлжалланган машқнинг таркибий қисми маъносида ҳам қўлланилади ва мазкур термин анъанавий методикада *задание* – *топишиқ*, *вазифа* (*нутқ ҳаракати*га оид *машқнинг таркибий қисми*) терминига эквивалент сифатида қўлланилмоқда. Келтирилган ушбу таъкидлардан хулоса

қилиш мумкинки, термин-лексемаларнинг синонимик қаторини белгилашда аввало, бош (доминант) терминни аниқлаб олиш даркор. Бундай ёндашув бир томондан, терминологик лексемада синонимия қаторининг мавжуд бўлиши ёки бўлмаслиги масаласига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, синонимия ҳодисасига терминшунос олимларнинг муносабати ва шу билан боғлиқ турли илмий мунозараларга сабаб бўлувчи фикрларни юзага келтирган.


Тадқиқотимизда термин-лексемаларнинг синонимия қаторини белгилашда луғавий синонимия ҳодисасига асосландик ва улар семантик микросистема сифатида таҳлил этилди. Шунга кўра, лингводидактика терминологиясини тартибга солишда термин-лексемаларнинг синонимия қаторини аниқлаш ва синоним дублетларни ажратиб олиш муҳим.

Жумладан, А.А. Реформатский фикрига кўра, “терминологияда асл синонимлардан ташқари дублетлар ҳам мавжуд, яъни бир термин-лексема турли шаклларда ифодаланади ва ушбу шакллар битта асосдан дублетлар ясайди” [Реформатский А.А., 1986; 163-198]. Шунингдек, Н.Г. Комлев [Комлев Н.Г., 1964; 192], М.В. Никитин [Никитин М.В., 1974; 222-223], А.А. Брагина [Брагина А.А., 1986; 152], каби тилшунослар синонимлар, бу – бир хил тушунчани номловчилардир, деб таъкидлайдилар. Б.Н. Головин ва Р.Ю. Кобрин [Головин Б.Н., Кобрин Р.Ю., 1987; 103-104] каби тилшунослар эса, термин синонимларга бир хил тушунчани номловчи ҳамда контекст ичида бир-бирининг ўрнини эгалловчи сўзлардан иборат, деган фикрдалар.

Синонимиянинг терминологияда, хусусан, лингводидактика терминологиясида кенг тарқалишига сабаб бўлган асосий экстралингвистик омиллар қуйидагилардир: 1) кўп компонентли терминологик бирикмалар ўрнида нисбатан қисқароқ ва ихчамроқ терминларнинг олиниши натижасида терминнинг ҳар икки – қисқа ва тўлиқ шакллариининг истеъмолда бўлиши; 2) хорижий тилларни ўқитиш жараёнида педагогика, дидактика, психолингвистика, методика, лингводидактика соҳаларининг ўзаро узвий алоқаси туфайли бир соҳадан иккинчи бир соҳага терминлар ўзлашуви ва пировардида соҳалараро синонимиянинг шаклланиши.

Умуман олганда, тилшуносларнинг аксарият қисми терминологик синонимия ҳодисасини инкор этадилар. Жумладан, А.В. Лагутина, А.Б. Ткачёва, Е.Н. Толкина, Н.А. Шургин, Л.А. Булуховский кабилар терминологиядаги синонимияни номақбул ҳодиса деб баҳолашган. Хусусан, А.В. Лагутинанинг фикрича, “илмий тилда номлаш ва таърифлаш ўта аниқликни тақозо этади” [Лагутина А.В., 1967; 127-128]. Бироқ замонавий терминшунослик (терминография)да семантик ёндашув нуктаи назаридан синонимия ҳодисасининг икки – *абсолют (мутлақ) ва нисбий (мутлақ бўлмаган, шартли)* турларини фарқлашимиз мумкин. Тадқиқотимизда термин-синонимларнинг соддалаштирилган умумий кўриниши қуйидаги жадвалда илова этилади (1-жадвал):

1-жадвал.



Лингводидактикада аббревиатуралар асосан, кўп компонентли терминологик бирикмаларнинг синоним вариантлари ҳисобланади. Шундай қилиб, ушбу соҳа терминологиясида термин-лексемаларнинг асосан, абсолют (дублет), аббревиатура ва нисбий синоним вариантлари фаол қўлланилиши кузатилди. Масалан: ALTE → Association of Language Testers of Europe, SLA → second language acquisition, CRA → consciousness-raising approach, ARC → authentic, restricted, clarification, BA → Bachelor of Arts, CALL → computer assisted language learning, CELTA → Certificate in English Language Teaching to Adults, CELTYL → Certificate in English Language Teaching to Young Learners, CLL → Community Language Learning, CLT → Community Language Teaching, CRA → consciousness-raising activity, DDL → data-driven learning, DELTA → Diploma in English Language Teaching to Adults, EAP → English for Academic Purposes, ELT → English language teaching, ESP → English for Specific Purposes, ESA → engage, study, activate, IRF → initiation, response, feedback, MA → Master of Arts, NFS → notional-functional syllabus, OHE → observe, hypothesis, experiment, PPP → presentation, practice, production, SLT → situational language teaching, STT → student talking time, TBL → task-based learning, TOEFL → Teaching English as a Foreign Language, TESL → Teaching English as a Second Language, TESOL → Teaching English to Speakers of Other Languages, TKT → Teaching Knowledge Test, TPR → total physical response, TTT → teacher talking time, TWT → teacher waiting time. Тадқиқотимиздаги термин-лексемалар синонимларини лингвистик жиҳатдан таҳлил қилишда тушунча категорияси нуктаи назаридан ёндашиш талаб этилади. Бундай ёндашув ўз навбатида соҳавий терминлар қўлланилишидаги чалкашликларни батараф этишга ёрдам беради.

Лингводидактика соҳасига оид терминологик лексемалар синонимик қаторида муайян бир соҳавий тушунчани ифодалаш учун икки ёки ундан ортиқ терминологик лексемаларнинг иштироки лексик синонимия ҳодисаси сифатида таҳлил этилди. Шунингдек, ушбу соҳа терминологик лексемаларининг ўзаро зид муносабатдаги маъноларини лексик антонимия ҳодисаси орқали аниқлаштириш мумкин. Антонимия муносабатида асосан, икки терминологик лексема ёхуд бирикма иштирок этиши мумкин. Бундай муносабатда бири иккинчисининг акси бўлган тушунчани ифодалайди, иккинчи бирликда антонимик жуфтлик ҳосил қилинади.

Лингводидактика терминлари асосан, от ва отлашган ҳамда сифат-лексемалардан иборат бўлганлиги боис, улар орасидаги антонимия муносабати деярли отларга хос бўлган белги-ҳолатларга асосланади. Шунга кўра, ҳар қандай терминологик лексема ёхуд бирлик ўз-ўзидан антонимия муносабатига киришавермайди, албатта. Терминологик лексемалар маъноларида зидлик муносабати мавжуд бўлсагина, антонимия воқеланиши бўлади. Демак, антонимия муносабатининг юзага келишида махсус термин ясовчи бир қанча элемент (префикс, суффикс)лардан ташқари термин-лексемалар ҳам иштирок этади.

Шундай қилиб, лингводидактика соҳасидаги терминологик бирликларнинг антонимик хусусиятларини қуйидагича амалда кўрсатиш мумкин:

1. Ўзаро антоним бўлган терминологик бирликлар воситасида:

<i>Инглиз тилида</i>	<i>Рус тилида</i>	<i>Ўзбек тилида</i>
monologue–dialogue	диалог–монолог	якка нутқ–жуфт нутқ
beginner–advanced	начинающий–продвинутый	бошланғич–юқори (тил ўрганиш босқичи ҳақида)
formal–informal	официальный–неофициальный	расмий–норасмий
intensive–extensive	интенсивный–экстенсивный	самарали–самарасиз
gap–filling–deleting	заполнение–исключение	тўлдириш–олиб ташлаш
deductive–inductive	дедуктивный–индуктивный	дедуктив–индуктив
errors–correction	заблуждение–исправление	хато қилиш–тўғрилаш
scanning – skimming	чтение с выборочным извлечением информации–чтение с полным пониманием текста	матнни оралатиб ўқиш–матнни тўлиқ тушуниб ўқиш
entry– closure	начало урока–конец урока	дарснинг бошланиши–дарснинг якуни ва шу қаби

2. Синтактик усул билан ясалган бирикма терминларнинг аниқловчи компонентлари ўртасидаги антонимик муносабатлар воситасида:

<i>Инглиз тилида</i>	<i>Рус тилида</i>	<i>Ўзбек тилида</i>
artificial language–natural language	язык искусственный–язык естественный	сунъий тил – табиий тил
global errors – local errors	сильные ошибки – слабые ошибки	жиддий хатолар – жузъий хатолар
interlingual errors – intralingual errors	межъязыковые ошибки – внутри- языковые	тилларао хатолар – тиллар замиридаги хатолар
short turn – long turn	свернутая реплика – развернутая реплика	қисқа лукма ташлаш – тўлиқ лукма ташлаш
oral summary – retelling	краткий пересказ – подробный пересказ	қисқача ҳикоя қилиш – тўлиқ ҳикоя қилиш

oral commentary –written commentary	устный комментарий к информации –письменный комментарий к полученной информации	ахборотга оғзаки шарҳ бериш – ахборотга ёзма шарҳ бериш
true statements–false statements	верные утверждения–нверные утверждения	ишончли фикрлар – ишончсиз фикрлар
norm–referenced test – criterion – referenced test	норма-ориентированный тест – критериально-ориентированный тест	тил билиш лаёқатини аниқлашга мўлжалланган тест – муайян мезонларга асосланган тил билиш даражасини аниқлашга мўлжалланган тест
objective tests –subjective tests	объективные тесты – субъективные тесты	объектив тестлар – субъектив тестлар
deductive approach – inductive approach	дедуктивный подход – индуктивный подход	дедуктив ёндашув – индуктив ёндашув
formal evaluation–informal–evaluation	официальный анализ урока – неофициальный анализ урока	дарснинг расмий тахлили – дарснинг норасмий тахлили
teacher roles–learner roles	функции и роли учителя на уроке– функции и роли учащихся на уроке	ўқитувчининг дарс жараёнидаги вазифа ва роллари – талабаларнинг дарс жараёнидаги вазифа ва роллари
teacher talk–student talk	речь учителя на уроке – речь студента на уроке	ўқитувчининг дарсдаги нутки–талабанинг дарсдаги нутки
teacher talking time (TTT) – student talking time (STT)	время, отведенное речи учителя на уроке – время, отведенное речи студента на уроке	дарсда ўқитувчи нуткига ажратилган вақт – дарсда талаба нуткига ажратилган вақт
accuracy activities – fluency activities	упражнение на формирование навыков – упражнение на формирование умений	кўникмаларни шакллантирадиган машқлар – малака ҳосил қилдиган машқлар
practice activities – communicative – activities	Подготовительные (тренировочные) упражнения – коммуникативные (речевые) упражнения	тайёрлов (машгулотга оид) машқлар –коммуникатив (нуткий) машқлар
pre-communicative activities – communicative activities	доречевые упражнения – коммуникативные (речевые) упражнения	нутколди машқлари – коммуникатив (нуткий) машқлар

controlled practice activities / guided practice activities – free practice activities	упражнения для целенаправленной (регулируемой) активизации языкового материала –упражнения для нерегулируемой активизации языкового материала	тил материалини фаоллаштиришга йўналтирилган машқлар – тил материалини бевосита фаоллаштиришга йўналтирилмаган машқлар
pre-text activities – post-text activities	предтекстовые упражнения – послетекстовые упражнения	матнолди машқлар – матндан кейинги машқлар
pseudo – communication activities – communication activities – communication activities	условно – коммуникативные упражнения – подлинно коммуникативные упражнения	шартли коммуникатив машқлар – ҳақиқий коммуникатив машқлар
closed activities–open-ended activities	упражнение закрытого типа–упражнение открытого типа	ёпиқ турдаги машқ – очик турдаги машқ
pre-teaching activities–follow-up activities	упражнения на снятие трудностей–заключительные упражнения	қийинчиликларни бартараф этишга мўлжалланган машқлар – якуний машқлар
consciousness-raising activities–practice activities	упражнения на осознание языковой формы–подготовительные тренировочные упражнения	машғулотга оид тайёрлов машқлари
process objectives–product objectives	задачи, отражающие процесс учения– продукт обучения	таълим жараёнини акс эттирувчи вазифалар – таълим жараёнининг самараси
a priori syllabus–a posteriori syllabus	разработку курса до начала учебного процесса–ретроспективная программа	ўқув курси дастурини ўқув жараёнини бошланишига қадар ишлаб чиқиш – олдиндан режалаштирилмаган (ретроспектив) ўқув курси дастури

Шундай қилиб, антонимия муносабатини ҳосил қилувчи лингводидактика соҳасига оид терминологик лексемалар қуйидаги хусусиятларга эга: 1) бири иккинчисини инкор қилади; 2) қарама-қарши воқеликни номлаш орқали бири иккинчисини истисно этади. Таҳлил натижаларига кўра, терминологик лексемалар ўртасидаги антонимия муносабати кўп ҳолларда контекстуал антонимияга тенг эканлигини қайд этишимиз мумкин.

Умуман олганда, лингводидактика соҳаси терминологик лексемалари орасида лексик антонимия камдан-кам ҳолларда учрайди. Тадқиқот жараёнида лингводидактикага оид мавжуд терминологик бирликлар таҳлили уларнинг контекстуал ва грамматик антонимиядан иборат эканлигини кўрсатади.

Мазкур соҳа терминологик бирликларининг семантик таҳлили доирасида уларга ҳосилмий тушунчалар уйғунлаштирилади ҳамда уларнинг инглизча-русча-

ўзбекча ифода усуллари ва воситалари ўрганилади. Рус ва ўзбек тилларининг ички имкониятларидан келиб чиқиб, мазкур соҳавий тушунчаларига маъно ва мазмун жиҳатидан яқин (ёхуд тахминий) бўлган лексик бирликларнинг русча ҳамда ўзбекча муқобиллари танлаб олинади. Бундай танлаш жараёнида инглиз тили манба тил вазифасини бажаради.

Лингводидактикага оид тушунчаларни ифода ва мазмун сатҳида тадрижий ва изчиллик билан ўрганиш, таҳлил этиш жараёнларидан кўзланган асосий мақсад ономасиологик характерга эга. Бу қуйидагича изоҳланади: тушунча → термин, тушунча ← сўз. Масалан, рус тилидаги чет тили ўқув предмети маъносидаги “английский язык” тушунчасига нисбатан ушбу тилда “английский язык”, ҳамда “английский язык – как иностранный язык” маъносидаги икки хил терминдан фойдаланилади. Жумладан, ўзбек тилида ҳам ушбу тушунчани “инглиз тилини ўқитиш”, “инглиз тилини хорижий тил сифатида ўқитиш” каби айнан иккита терминологик бирлик билан ифодалаш мумкин. Бирок, рус ва ўзбек тилларидаги мазкур тушунча инглиз тили соҳиблари ва мутахассислари тасаввурида ўндан зиёд инглизча терминологик бирликлар билан ифодаланишига гувоҳ бўламиз: English as a Foreign Language (EFL), English as a Second Language (ESL), English as a Second Dialect, English as a New Language (ENL), English to Speakers of Other Languages (ESOL), English as a Additional Language (EAL), English as an Acquired Language (EAL), English as an International Language (EIL), English as a Lingua Franca (ELF), English as a Global Language (EGL), English as Language of Wider Communication (ELWC), World Languages (WLs).

Семантик таҳлилга кўра, соҳа терминологик бирликларининг инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги ифода усулларида шаклий ва мазмуний ўхшашликлар ва тафовутлар кузатилади. Масалан, инглиз тилидаги drill, activity, exercise каби бир қанча терминларнинг семантикасига кўра, русча – упражнение, ўзбекча – машқ каби лексик бириликлар уларнинг муқобиллари сифатида танланган. Аксинча, инглизча Sheltered English (АҚШда инглиз тилини ўргатиш бўйича олиб бориладиган машғулот) тушунчасига мос келадиган терминологик бирлик рус ва ўзбек тилларида ҳозирги кунгача қайд этилмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири – бу каби терминлар муайян ижтимоий-маданий муҳитга хослиги, яъни маълум бир тил жамоаси томонидан қўлланилишидир. Айнан ушбу терминнинг ижтимоий-маданий муҳитга хос мазмунида АҚШда фуқаролиги бўлмаган, бироқ доимий яшаш истаги бўлган муҳожирларга инглиз тилини ўргатишга мўлжалланган қисқа курс дастури назарда тутилган.

Шунингдек, лингводидактика соҳаси терминологик бирликларининг семантик хусусиятларини қиёсий таҳлил қилишда лексикографиянинг роли муҳим аҳамият касб этади. Чунки, лексикографик принципларга мувофиқ мазкур соҳада фаол қўлланиладиган терминологик бирликларни инглиз тилида, яъни манба тил материалларида муайян методик категорияларга имкон қадар мос равишда танлаб олиш ва таснифлаш, таржима қилиш жараёнларида уларнинг тиллараро мувофиқлиги ёки номувофиқлиги аниқланади.

Мазкур соҳа терминологик бирликларининг қиёсий-семантик таҳлиliga

кўра, қуйидаги уч ҳолатни кузатиш мумкин:

- шакл ва маъно структурасидаги тиллараро мувофиқлик: analytical reading – аналитическое чтение – таҳлилий ўқиш; test – тест – тест;

- терминологик бирликларда тиллараро синонимик қаторнинг пайдо бўлиши, яъни манба тилдаги бир терминга рус ва ўзбек тилларида бир ва ундан ортиқ лексик бирликларнинг мос келиши ёки аксинча: skill – умения, навики – малака, кўникма; mistake, error – ошибка – хато;

- рус ва ўзбек тиллари терминологиялари тизимида қиёсланаётган манба тилга хос соҳавий терминологик тушунчани ифодаловчи лексик бирликнинг мавжуд эмаслиги: language awareness термини рус ва ўзбек тилларида ўзининг аналогига эга эмас.

Шундай қилиб, термин (ёхуд терминологик birlik)ни таҳлил этишда ва изоҳлашда, аввало, унинг қўлланилиш соҳаси, қандай маъно касб этишини аниқлаш лозим. Маълумки, лингводидактика терминология тизимидаги муайян методик категорияларга хос тушунчаларни мантикий нуқтаи назардан таҳлил қилиш онтологик характерга эга. Шу боис соҳавий терминнинг бевосита мантикий тушунча билан боғлиқлиги муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, терминографияда терминнинг икки томонлама фаолият кўрсатиши термин-сўз, термин-тушунча деб таърифланади. Термин-сўз лингвистик тушунча сифатида ушбу тизимдаги бошқа лексик birlikлар ва терминлар билан ўзаро синонимия, антонимия, омонимия ҳодисалари орқали ўзаро алоқага киришади ва уларда полисемия ҳодисаси ҳам кузатилади. Термин-тушунча эса, экстралингвистик характерга эга бўлиб, терминологик тушунчаларга оид айрим назариялар, илмий қарашлар ёки йўналишлар билан бирга муайян мантикий ва онтологик муносабатлардан ташкил топади. Шунга кўра, термин-тушунчага мантикий ёндашув таҳлили нуқтаи назаридан лингводидактика терминологик тизимига оид методик тушунчалар таснифи фақат инглиз тилининг ички тил ҳодисаси сифатида ўрганиш ва изоҳлашни тақозо этилади.

Шу боис, уларнинг инглизча терминологик лўғатларда берилиш тартиби, таърифи ва таснифи, инглизча илмий дискурсда қўлланилиши ва маъно жиҳатлари мазкур соҳа терминология тизимидаги бошқа терминлар билан ўзаро узвий муносабатда ўрганилади.

ХУЛОСА

Тадқиқотда лингводидактика терминологияси семантик, мантикий тушунча ва ижтимоий-маданий аспектларда таҳлилий ёндашув асосида ўрганилди. Хусусан, семантик аспектдаги қиёсий таҳлилга биноан, лингводидактика терминларининг шакл ва маъно структурасидаги тиллараро мос ва аксинча – мос келмайдиган ҳолатлари қайд этилди. Хусусан, соҳа терминлари ижтимоий-маданий ва лингвомаданий хусусиятларига кўра фақат муайян тил жамоаси ва маданиятига хос равишда қўлланилиши билан ажралиб туради.

Таҳлиллар натижаларига кўра, қиёсланаётган уч тилдаги соҳа

терминологик лексикасининг асосини умумистеъмол сўзлари ташкил этиши умумий – ўхшаш ҳолат эканлиги, бироқ инглиз тилида умумистеъмол лексика билан махсус терминология ўртасида аниқ чегара белгиланмаганлиги кўрсатиб берилди. Айнан шунга ўхшаш ҳолат ўзбек тилида ҳам кузатилди. Рус тилида эса умумистеъмол лексика ва махсус терминологияни фарқлаш муайян даражада аниқроқ эканлиги ойдинлашди.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Bragina, A.A. (1986). *Sinonimiya v literaturnom yazike* (152 s.). Moskva.
2. Gal'skova, N.D., Gez, N.I. (2008). *Teoriya obucheniya inostrannix yazikom. Lingvodidaktika i metodika: ucheb. posobiya dlya stud. lingv. un-tov i fak. in. yaz. vissh. ped. ucheb. zavedeniy.* (5-e izd.) (s. 336). Moskva: Akademiya.
3. Golovin, B.N., Kobrin, R.Yu. (1987). *Lingvisticheskie osnoi ucheniya o terminax* (ss. 103-104). Moskva.
4. Harmer, J. (2007). *How to teach English* (268 p.). Edinburgh.
5. Jalolov, J.J. (1996). *Chet til o'qitish metodikasi* (329-b.). Toshkent: O'qituvchi.
6. Kolesnikova, I.L., Dolgina, O.A. (2001). *Anglo-russkiy terminologicheskii spravochnik po metodike prepodavaniya inostrannix yazikov* (s. 223). SPB.: Russko-Baltiyskiy informatsionniy sentr «BLIS». Cambridge: Cambridge University Press.
7. Komlev, N.G. (1964). *Komponenti soderzhatel'noy strukturi slova* (192 s.). Moskva.
8. Lagutina, A.V. (1967). *Absolyutnie sinonimi v sisteme yazika*. Leksicheskaya sinonimiya (ss. 127-128). Moskva: Nauka.
9. Lebedev, D.I. (2006). Problemi adekvatnosti perevoda lingvodidakticheskix terminov na materiale russkogo i angliyskogo yazikov: *diss. kand. filol. nauk.* (s.109). Moskva.
10. Lovsevizh, G.N. (2010). Kroskul'turniy terminologicheskii slovar' kak slovar' novogo tipa (na materiale angliyskix i russkix terminov lingvodidaktiki): *Avtoref. diss. d-ra. filol. nauk.* Moskva.
11. Nikitin, M.V. (1974). *Leksicheskoe znachenie slove i slovosochetanii*, 222-223.
12. Reformatskiy, A.A. (1986). *Sovremennye problemi russkoy terminologii* (ss. 163-198). Moskva.
13. Richards, J.C., & Schmidt, R. (2002). *Longman Dictionary of Language Teaching and Applied Linguistics* (3rd ed.), 307.
14. Richards, J.C., & Schmidt, R. (2010). *Longman Dictionary of Language teaching and applied linguistics* (657 p.). Great Britain.
15. Usmonov, S. (1968). *O'zbek terminologiyasining ba'zi masalalari* (32-b.). Toshkent: O'qituvchi.
16. Vinogradov, V.V. (1977). *Izbrannie trudi. Leksikologiya i leksikografiya* (165 s.). Moskva.

REFERENCES

1. Bragina, A.A. (1986). *Synonymy in the literary language* (152 p.). Moscow.
2. Galskova, N.D., & Gez, N.I. (2008). The theory of teaching of foreign language. *Linguodidactics and methodology: textbook for students of linguistic universities and faculties of foreign languages of higher pedagogical educational institutions* (5th ed.) (336 p.). Moscow: Academy.
3. Golovkin, B.N., & Kobrin, R.Y. (1987). *The linguistic foundation of learning terms* (pp. 103-104). Moscow.
4. Harmer, J. (2007). *How to teach English* (268 p.). Edinburgh.
5. Jalolov, J.J. (1996). *Foreign Language Teaching Methodology* (329 p.). Tashkent: Teacher.
6. Kolesnikova, I.L., & Dolgina, O.A. (2001). *English-Russian terminological reference*

- book on methods of teaching foreign languages* (223 p.). St. Petersburg: Russian-Baltic Information Center "BLITZ". Cambridge: Cambridge University Press.
7. Komlev, N.G. (1964). *Components of the meaningful structure of a word* (192 p.). Moscow.
 8. Lagutina, A.V. (1967). *Absolute synonyms in the language system. Lexical synonymy* (pp. 127-128). Moscow: Science.
 9. Lebedev, D.I. (2006). Problems of the adequacy of translation of linguodidactic terms on the material of the Russian and English languages: *dissertation of the candidate of philological sciences* (109 p.). Moscow.
 10. Lovsevich, G.N. (2010). Cross-cultural terminological dictionary as a dictionary of a new type (based on the material of English and Russian terms of linguodidactics): *Abstract dissertation of Doctor of Philology*. Moscow.
 11. Nikitin, M.V. (1974). *Lexical meaning of a word and phrase*, 222-223.
 12. Reformatskiy, A.A. (1986). *Modern problems of Russian terminology* (pp. 163-198). Moscow.
 13. Richards, J.C., & Schmidt, R. (2002). *Longman Dictionary of Language Teaching and Applied Linguistics* (3rd ed.) (307 p.). Great Britain.
 14. Richards, J.C., & Schmidt, R. (2010). *Longman Dictionary of Language Teaching and Applied Linguistics* (4th ed.) (657 p.). Great Britain.
 15. Usmanov, S. (1968). *Some issues of Uzbek terminology* (32 p.). Tashkent: Teacher.
 16. Vinogradov, V.V. (1977). Selected works. *Lexicology and lexicography* (165 p.). Moscow.